

Болажонларга мактуб (16)

05:00 / 15.02.2017 2961

ЎН ОЛТИНЧИ САБОҚ

ЁМОНЛИКДАН ҚОЧИНГ

Ассалому алайкум, менинг жажжи эркатойларим! Ўтган дарсимизда яхши бола, ҳақиқий мусулмон бола қандай бўлиши кераклигини сизларга тушунтириб бергандим. Бугунги машғулотимизда сизлар билан ёмон ишлар нималар, улардан қандай қилиб узоқда юриш мумкмлиги ҳақида гаплашамиз, хўпми? Дунёда яхши ишлар бўлгандан кейин ёмон ишлар ҳам бўлади, тўғрими? Мусулмон фарзандлар ана шу ёмон ишларни қилиб қўймаслик учун уларни билиб олишлари керак. Улардан доимо қочишлари зарур, Мабодо бирортасини билмасдан ёки ўртоқларминг сўзига кириб қилиб қўйишса, дарров Аллоҳ таолодан кечирим сўрашлари карак. Кечирим сўрашни биласизми? «Астағфируллоҳ» дейсиз ёки «Эй Аллоҳим, мана шу» қилган гуноҳимни кечиргин» дейсиз.

Ёмон ишларнинг энг каттаси, гуноҳларнинг энг оғири — Аллоҳга ширк келтириш. Бу ҳақда дастлабки машғулотларда айтиб бергандим. Яна қайтараман: бу -ишдами, ибодатдами, қаерда бўлсин Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиб қўйиш. Чунки Аллоҳ — ягона, битта! Унинг ҳеч қандай шериги, тенги, ўхшаши йўқ. У бермаса, ҳеч ким ризқ бермайди, ёрдам беролмайди, бирор нарсадан қутқаролмайди. Аллоҳга ширк келтиришдан, ана шу ёмон ишдан сақланинг! Акс ҳолда, албатта, дўзахга тушасиз.

Яна ёмон ишларга бировни ноҳақ ўлдириш, намоз ўқимаслик, ота-онани оғринтириб, уларга осий бўлишлик, рўзани сабабсиз очиб юбориш, Пайғамбаримизга тухмат қилиш, маст қиладиган ичимлик ичиш, бировнинг нарсасини ноҳақ тортиб олиш каби ишлар ҳам киради.

Мусулмон болалар, айниқса, ёлғон гапириш, ваъда бериб бажармаслик, бировнинг нарсасини ўғирлаш, алдамчилик, қимор ўйнаш, ўтган дарсларда айтилган ҳаром нарсаларни ейиш, чақимчилик, керилиб, мақтаниш, оч кўзлик, ёлғон гувоҳлик бериш, бузуқлик каби оғир гуноҳ бўладиган ёмон ишлардан эҳтиёт бўлишлари керак. Чунки одам яхши бўлса Аллоҳни таниб, намозларни ўқиб, рўзаларни тутиб юрсаю юқоридаги гуноҳларни қилса, савоблари ўчиб кетади. Жаннатга кириши қийинлашади. Шунинг учун бунақа ёмон ишларни асло қилмасликка ҳаракат қилинг.

Бордию бирорта ошнангиз ёки катта болалар ана шундай ишларга бошласа, сира кўнманг. «Қуддус амаким айтганлар, бу ишлар гуноҳ бўлади», деб уларни ҳам қайтаринг. Шунда сизнинг савобингиз икки баравар кўпайиб кетади. Аллоҳ таоло ва Ҳазрати Пайғамбаримизга суюкли, ёқадиган исломий фарзанд бўласиз. Гапимни яхшилаб эслаб, унга доим амал қилиб юринг, хўпми, дўмбоқчаларим?!

ДУО ҚИЛАЙЛИК

Мана, азиз ва севимли дилбандларим, Қуддус амакингизнинг сабоқлари ҳам ҳозирча ниҳоясига етди. Энди сизлар билан вақтинча хайрлашамиз. Фақат сизларга битта илтимосим бор: юқорида айтиб берган ҳамма гапларимни доимо қулогинзда тутинг. Эсдан чиқиб қолмаслиги учун қайта-қайта ўқиб юринг. Ўзингиз билиб олгандан кейин бошқаларга ҳам айтиб беринг! Энг асосий гапим шуки, ана шу ўрганган нарсаларингизга ҳамиша амал қилиб, бажаришга урининг, ҳаракат қилинг. Фақат яхши ишларни қилиб, ёмонидан қочинг. Шунда чин мусулмон бўласиз. Аллоҳ таоло ва Пайғамбар алайҳиссаломга севимли банда ва уммат бўласиз. Аллоҳ таоло ваъда қилган гўзал ва сўлим жаннат сизники бўлади. Бу гапларим ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин, ширинтойларим!

Ҳа, айтгандай, ҳар гал дуога қўл очганда Қуддус амакингизни ҳам бир эслаб қўйинглар, хўпми, асалларим! Қани энди, ҳаммамиз қўлларимизни кўтариб, Аллоҳга чин дилдан ёлвориб бир дуо қилайлик-чи: «Эй, бутун дунёларнинг эгаси, ҳаммамизни яратган Парвардигоримиз! Бизларни яхши, солиҳ бандаларингдан қилгин! Ёмон ишлардан, турли фалокатлардан Ўзинг асрагин! Иймонли, Ўзингдан қўрқадиган, Ўзингга бўйсунадиган, айтганларингни бажарадиган кишилар қилиб тарбия қилгин! Омин, ё Роббиал Олабийн!»